

Озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш бўйича

ШАРТНОМА

«28» Инвар 2022 йил 86102746 -сон

Чуст шаҳри

Амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик “Етказиб берувчи” деб юритилувчи **"SOUL MATE"** Хусусий корхонаси номидан иш кўрувчи **К.Салимова** бир томондан ва амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик “Харидор” деб юритилувчи **Чуст тумани мактабгача таълим бўлими** номидан бюджет ташкилоти раҳбари **Б.Сотимов** иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1 “Етказиб берувчи” мазкур шартнома бўйича “Харидор” га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги озиқ-овқат маҳсулотларини (кейинги ўринда маҳсулот деб аталади) шартноманинг 1-иловасига мувофиқ мактабгача таълим муассасалари кесимида етказиб бериш, “Харидор” эса етказиб берилган маҳсулотларни қабул қилиб олиб, амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ белгиланган тўлов кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Бирлигининг нархи (сўм)	Жами сумма (ҚҚС сиз)
1	Олма (жанатан)	кг	6000	9000	54000000
2	Карам	кг	1200	5000	6000000
	Жаъми				60 000 000

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 60 000 000 (олтмиш миллион) сўмни ташкил этади.

2.2. “Бюджет ташкилоти” олинадиган маҳсулотлар учун 30 фоиз аванс тўловини олдиндан “Етказиб берувчи”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. “Етказиб берувчи” тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва аванс тўловидан сўнг 10 кун муддат ичида маҳсулотларни “Харидор” га ўз транспортида етказиб беради.

2.4. “Харидор” тақдим этилган ҳужжатларга асосан 90 кундан кўп бўлмаган муддат ичида узил-кесил ҳисоб-китобни амалга оширади.

2.5. Етказиб берилган маҳсулотлар учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. “Харидор”нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

“Етказиб берувчи”дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

“Етказиб берувчи”дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги маҳсулотларни сифатли ўз вақтида етказиб берилишини талаб қилиш;

Бюджет ташкилоти томонидан ғазначиликга тақдим қилинган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига бюджет ташкилоти раҳбари ва бош ҳисобчиси жавобгардир.

“Етказиб берувчи” сифатсиз маҳсулотларни олиб келган тақдирда “Харидор” ташкилоти маҳсулотларни қайтариб юбориши ҳамда ўтказилган пулни қайтариб олиши мумкин.

3.2. “Етказиб берувчи” қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Етказиб бериладиган маҳсулотлар учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб-китоб қилинишини “Харидор” ташкилотидан талаб қилиш;

Маҳсулотларни мазкур шартномага асосан “Харидор” буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш. “Етказиб берувчи” бюджет ташкилотига сифатсиз истеъмол учун яроқсиз маҳсулотларни етказиб берган тақдирда жавобгарлигини тўлиқ ўз зиммасига олади.

“Етказиб берувчи” “Харидор” ташкилотига маҳсулотларни етказиб бериш жараёнида коррупцияга йўл қўймаслик ҳамда хўжалик мудирларига маҳсулотларин тўлиқ топширишлари керак. Маҳсулот ўрнига пул ёки моддий қийматликлар бериш таъқиқланади. Акс ҳолда, жавобгарликка тортилади ва шартнома тузиш бекор бўлади.

“Етказиб берувчи” яъни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс унинг номидан бошқа шахс томонидан тадбиркорлик ҳаракатларни амалга оширадиган бўлса, тадбиркор ушбу шахсга ишоночнома бериши шарт. Ишончномасиз шарнома тузиш амалга оширилмайди. “Етказиб берувчи” томонидан озик-овқат маҳсулотлари нархлари давлат томонидан белгиланган нархдан ошиб кетмаслиги керак.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. “Харидор” илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд маҳсулотларининг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда “Етказиб берувчи”ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 3 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товар (маҳсулот)ларни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган ҳамда сифатсиз маҳсулотларни етказилган тақдирда “Етказиб берувчи” “Харидор”га кечиктирилган ҳар бир кун ҳамда сифатсиз маҳсулоти учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товар (маҳсулот)лар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.2. Етказиб берилган товар (маҳсулот)лар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда “Харидор” “Етказиб берувчи”га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди,

бирок бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак.

5.3. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва товар(маҳсулот)лар етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишувга эришмасалар низоларни ҳал этиш учун Чуст туманлараро иктисодий судга мурожаат қиладилар.

6.3. Форс – мажор ҳолатлар, жумладан ер қимирлаш, сел келиши каби табиий офатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан янги қонун ва қарорларни қабул қилиши натижасида келиб чиқадиган ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва кўшимча келишувлар шартларини бажариш масъулиятини ўз зиммаларига олмайдилар.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома “Харидор” ва “Етказиб берувчи” томонидан тасдиқланиб, Ҳазначилик бўлинимаси томонидан рўйхатга олингандан сўнг кучга киради ва **2022 йил 31 декабрга** қадар амал қилади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

“Етказиб берувчи”

“SOUL MATE” Хусусий корхонаси

Манзил: Чуст шаҳар, Пансада МФЙ
Қ.Карвон кўча 61 уй

Х/р: 2020 8000 4053 2173 1001

МФО: 00250 Микрокредитбанк

Чуст бўлими

СТИР: 308043454

“Харидор”

Чуст тумани мактабгача таълим бўлими

Манзил: Чуст шаҳар, Камарсада
МФЙ Чарогон кўчаси 9-уй

Ш.х.в. 400522860142377091100251067

Бюджетдан маблағ олувчи

СТИР: 305151766

Ҳазначилик бўлини маси номи

Чуст туман бўйича Ҳазначилик бўлини маси

Молия вазирлиги ягона Ҳазна ҳисобварағи

Ҳазна х/в: 23402000300100001010

Банк; Марказий банк Тошкент шаҳри ХККМ.

МФО: 00014

Ҳазначилик бўлини маси

СТИР: 201122919



Рахбари:

К.Салимова



Рахбар:

Б.Сотимов

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

№ MQ86102746

1. Loyihaning turi. Shartnoma.

2. Loyihaning nomi.

Oziq-ovqat yetkazib berish to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Shartnoma loyihasi Chust tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 2022-yil 28-yanvar kunda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsul'ti



G.Kazakbayeva

2022-yil 28-yanvar